



## ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ: ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР ВА РАҚС САНЪАТИ

*IV Халқаро илмий – амалий конференцияси  
материаллари*

## ИНКЛЮЗИВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ДЕТИ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ И ТАНЦЕВАЛЬНОЕ ИСКУССТВО

*Материалы IV международной научно  
-практической конференции*

## INCLUSIVE EDUCATION: CHILDREN WITH DISABILITIES AND DANCE ART

**Materials of the IV International Scientific  
and Practical Conference**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI**

**O'ZBEKISTON DAVLAT XOREOGRAFIYA AKADEMIYASI**

**Inkluziv ta'lif: imkoniyati  
cheklangan bolalar va raqs san'ati**  
*mavzusidagi*  
*IV Xalqaro ilmiy – amaliy konferensiyasi*

**MATERIALLARI**

**TOSHKENT – 2022**

манбалари ва ривожланиши. Филол.фан.номз. дисс. Тошкент, 2001. 127 б.

2. Каримова Р. Ферганский танец. Т.: Изд. лит. и искус. им Гафура Гуляма. 1973. – 224 стр.; *Ўша муаллиф*: Хорезмский танец. Т.: Изд. лит. и искус. им Гафура Гуляма. 1975. – 114 стр.; *Ўша муаллиф*: Бухарский танец. Т.: Изд. лит. и искус. им Гафура Гуляма. 1977. – 132 стр.; *Ўша муаллиф*: Ўзбек рақслари. Т.: Чўлпон, 2003. -168 б.; Матёқубова Г., Эшжонова Ш. Лазги. – Урганч: “Қуванчбек Машҳура” МЧЖ нашриёти. 2017. -222 б.
3. Русча-ўзбекча луғат. Икки жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2009.
4. Ўзбекча-русча луғат. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2010.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008.
6. Словарь русского языка. - М.: Русский язык. 1990.
7. Мўминова Л. Инклузив таълим. Дастур. Т., 2014.

## **“РАҚС” ТЕРМИНИНИНГ ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИДАГИ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

**Хожиева Гулчеҳра Салимовна,  
БухДУ Француз филологияси  
кафедраси катта ўқитувчиси**

**Аннотация:** Мазкур мақолада юртимизда рақс санъати ва уни ривожлантиришга бўлган сай-ҳаракатлар, ўзбек миллий рақс йўналишлари, “рақс” терминининг этимологияси ва лексик-семантик хусусиятларининг ўзбек ва француз тиллари мисолидаги қиёсий-чоғиштирма таҳлили тўғрисида фикр юритилади.

**Калим сўзлар:** терминология, термин, рақс, рақс санъати, халқаро фестиваллар, Дутор, Сурнай, Қайроқ, Тановар, Лазги,

Замин бози, ракқос, ракқоса, манёвр қилмоқ, danse, danser, danseur, danseuse, marathon de danse, pirouettes de danseur.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются искусство танца в нашей стране и усилия по его развитию, узбекские национальные танцевальные направления, этимология и лексико-семантические особенности термина «танец» на примере узбекского и французского языков.

**Ключевые слова:** терминология, термин, танец, танцевальное искусство, международные фестивали, Дутор, Сурнай, Кайрак, Тановар, Лазги, Замин бози, танцор, танцовщица, маневрировать, danse, danser, danseur, danseuse, marathon de danse, pirouettes de danseur.

**Annotation:** This article discusses the art of dance in our country and the efforts to develop it, types of Uzbek national dance , the etymology and lexical-semantic features of the term "dance", comparative and cross-sectional analysis on the example of the Uzbek and French languages.

**Key words:** terminology, term, dance, dance art, international festivals, Dutor, Surnay, Qairaqtar, Tanovar, Lazgi, Zamin bozi, man-dancer, woman-dancer, maneuver, danse, danser, danseur, danseuse, marathon de danse, pirouettes de danseur.

Маълумки, истиқлол халқимизга нафақат эрк ва ҳуррият, балки кўпмингийиллик ан]аналар, урф-одатлар, моддий ва маънавий меросимизни қайтариб бериш билан бирга, уларни бутун дунёда намойиш этиш орқали фахрланиш имконини берди. Бу борада айниқса, тилшунос олимлар зиммасида улкан масъулият ётадики, бинобарин, санъат даражасидаги бундай нодир дурдоналарни жаҳон тилларига таржима қилиш, қиёсий ва чоғиштирма ўрганиш орқали таҳлил этиш бевосита бугунги кун тилшунослигида энг долзарб масалалар қаторидан ўрин олган.

Хусусан, биз таҳлилга тортган “рақс” санъати ва у билан боғлис терминларнинг лексик-семантик ва миллий-маданий таҳлили қиёсий-чоғиштирма аспектларда қуйида ўз аксини топган.

Адабиёт ва тарихий фактларга суюнган ҳолда, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзининг бекиёс номоддий бойликлариға эга бўлиб, шу жумладан, ўзбек рақс санъатининг ҳам илдизлари жуда узоқ даврларга бориб тақалишини таъкидлаш жоиз. Мисол ўрнида “Лазги”нинг 20 асрнинг ўрталариғача бўлган даврда фақат мусиқа чолғулари жўрлигига ижро этилган 8 тури (“Масхарабоз”, “Қайроқ”, “Сурнай”, “Дутор”, “Сарой-базм”, “Гармон”, “Чангак”, “Хива” (лаган билан ўйналадиган) мавжуд бўлган, ҳозирда Кўшкўпир тумани Оқдарбанд қишлоғи ахолисининг “Чангак” лазгиси, Хива шаҳрининг “Хива (чаноқ) лазгиси”, Шовот тумани Монақ қишлоғининг “Масхарабоз лазгиси” билан танилган Хоразм вилоятини, аёлларининг тиззага ўтириб, ўрнидан турмасдан гавдани ҳар томонга букиб, елкаларни силкитиб, қўлларнинг эпчил ва чаққон ҳаракатлари воситасида ижро этиладиган рақси “замин бози” (ер рақси) ва рақсларнинг энг мураккаб тури бўлиб, бунда раққосалар турли тақинчоқлар билан безанган ҳолда яланг оёқ рақсга тушадиган – “ларzon” (қўл кафтларини силкитиш) рақслари билан машхур Бухорони, «тўлқама», «тебранма», «ирчитма», «ғажир қўнди», «қанот», «мўралаш», «мулойим», «шилшила», «силтама», «учирма» сингари номлари билан аталадиган рақс ҳаракатлари оммавий ва якка рақсларни сахналаштиришда жуда қўл келадиган Сурхондарёни, қадимдан “Катта ўйин” ва “Кичик ўйин” турларига бўлинган, “Катта ўйин”и 280 дан ортиқ доира усулларига мос ҳаракатлардан ташкил топиб, асосан катта майдонларда ижро этилса, “Кичик ўйин”и хонадонларда ижро этилган Фарғонани, рақс услубида “Тановар” (Тановар (*форсча* – жасур, қудратли, кучли) — “тан” — яъни жисм, “овар” — завқ олиб келиш)лар муҳим ўрин тутган, унинг амалий санъатдан келиб чиқсан ва истеъмолга кириб келган ҳалқ айтим йўлидаги дутор жўрнавозлигига ижро этиладиган “Қорасоч”, “Сумбула” (ҳалқ сўзлари), “Энди сендек” (Муқимиш шеъри) вариантлари кейинроқ мумтоз ашула, катта ашула ва чолғу йўллари асосида “Тановар”, “Адолат тановари”, “Ёввойи тановар”, “Фарғонача Шаҳноз”,


“Қўқонча тановар”, “Марғилон тановари”, “Наманган тановари”, “Янги тановар” каби 20 дан ортиқ локал варианtlари ашула туркуми (Тановар I–V), бастакорлик ашулалари “Ул кун жонон” (М. Мирзаев), “Ёввойи тановар” (Ж. Султонов), “Тановарни тинглаб” (А. Исмоилов) ҳамда чолғу йўллари “Қўқон тановари” (дутор), “Турғун тановари” (дутор, танбур ва сато), “Гулбаҳор ва тановар” (чанг) ижод этилиб, халқ орасида оммалашиб кетган Фарғона – Тошкент сингари 5 та рақс мактаби мавжуд эканлигини таъкидлаш ўринлидир [2, 82-93.]. Шу билан бир қаторда, замонавий санъат тури сифатида Хоразмнинг Хива шаҳрида ўтказиладиган "Рақс сехри" ҳамда "Лазги" халқаро рақс фестиваллари, шунингдек, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган "Tashkent Dance Fest" мусобақасини миллий ва замонавий рақсларни ривожлантириш ҳамда оммалаштириш йўлидаги муҳим қадамлар сифатида эътироф этиш мумкин.

“Рақс” асли арабча ўйин, ўйинга тушиши ва унга мослаб ёзилган мусиқа бўлиб, ушбу терминга луғатларда турлича таърифлар учрайди:

- ✓ рақсанинг гармоник ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги, юз имо-ишоралари ва бошқалар орқали образ яратишдан иборат санъат тури;
- ✓ турли мақомлар билан бажариладиган ритмик ҳаракат;
- ✓ оёқ ўйин ва шундай ўйин учун ёзилган мусиқа;
- ✓ оёқ ўйин, рақс кечаси, базм [3, 361-б.];
- ✓ ўйнаш ҳаракати;
- ✓ тананинг ихтиёрий ва ритмга асосланган ҳаракатлари мажмуи;
- ✓ бирор мусиқа оҳанги ва қоидалари асосида ижро этилган ҳаракат;
- ✓ рақсга ҳамоҳанг ёзилган мусиқа [4, 350-р.] (таржима Г.Хожиева);
- ✓ хореографик композицияларни шарҳлаш орқали ўзини ифода этиш санъатига тегишли фаолият. [5.]

Мазкур термин воситасида ясалган “раққос” (*арабча – ўйинга, рақсга тушувчи*) – *рақсга тушувчи санъаткор эркак; ўйинчи, “раққоса”* (*арабча – ўйинга тушувчи аёл; балерина*) – *раққос аёл, “раққослик”* – *рақс тушиши санъати* сингари тил бирликларини тилшуносликада “фрейм” методи асосида лексик-семантик таҳлилга тортилди:

1. Ракқос
2. Ракқоса
3. Ракқослик
4. Ўйин (син.)
5. Ўйинчи (син.)
6. Рақс санъати
7. Раққослик санъати
8. Рақсга тушмок
9. Рақсни маромига етказмоқ
10. Миллий рақс
11. Ритмик рақс
12. Кўзини ўйнатмоқ
13. Маймун ўйнатмоқ
14. Минг оҳангга тушибмоқ
15. Ногорасига ўйнамоқ
16. Рол ўйнамоқ
17. Оҳангига ўйргаламоқ




расм-1

1. Оёқ ўйин
2. Муқом
3. Раққос аёл
4. Рақс кечаси
5. Ўйинга тушиб
6. Муқом қилмоқ
7. Рақсга тушувчи
8. Ўйинга тушувчи
9. Рақс тушиши санъати
10. Рақсга тушувчи санъаткор эркак
11. Ўйинга мослаб ёзилган мусиқа
12. Раққосанинг гармоник ҳаракати
13. Раққосанинг юз имо-ишоралари
14. Рақсни ижро этмоқ
15. Рақсли мусиқа
16. Рақсбоб мусиқа
17. Саҳнада ўйнамоқ
18. Манёвр қилмоқ
19. Раққоснинг чарх уришлари
20. Рақс майдончаси
21. Якка ижро этиладиган рақс
22. Миллий рақс ананалари
23. Кўзининг оқини ўйнамоқ
24. Чилдирмасига ўйнамоқ
25. Чилдирмасига ўйнатмоқ

1-расмда туб сўз бўлган “рақс” термини *ядро* вазифасини бажариб, ушбу термин *1-периферия*да у билан боғлиқ нисбатан фаол тил бирликларини жамлаган ва улар лексик-семантик нуқтаи назардан кучли гурӯҳни ташкил этади. *2- периферия*да акс эттирилган сўз ва сўз бирикмаларнинг қўлланилиш доираси тилда иккиласми аҳамият касб этгани боис уларга кучсиз гурӯҳ сифатида қаралади. Жумладан, “раққос” ва “раққоса” терминлари “раққос аёл” ёки “рақсга тушувчи санъаткор эркак”га нисбатан, “рақс санъати” сўз бирикмаси “рақс тушиши санъати”га қараганда тилда

фаол иштирок этиши фикримизни исботлайди. Худди шундай хусусият “ўйнамоқ” термини воситасида ясалган “ноғорасига ўйнамоқ” ҳамда “чилдирмасига ўйнамоқ” фразеологизмлари орасида ҳам кўзга ташланади, яъни мазкур ўринда “ноғорасига ўйнамоқ” иборасига оғзаки ва ёзма нутқда кўпроқ мурожаат этилади.



2-расмда француз тилидаги туб сўз – “danse” термини ядро вазифасини бажариб келган ва ушбу терминнинг у билан боғлиқ нисбатан фаол тил бирликларини жамлаган *1-периферияси*ни лексик-семантик жиҳатдан кучли ҳисобланган гурух ташкил этади. Мазкур ўринда ҳам, *2-периферия*да акс эттирилган тил бирликлари қўлланилиш доирасига кўра тилда иккиламчи аҳамият касб этгани боис улар кучсиз гурух бўлиб ҳисобланади. Жумладан,

“danser sur la scène” (“саҳнада рақсга тушмоқ” – таржима Г.Хожиева) термини “évoluer sur la scène” (“саҳнага мослашмоқ, ўйнамоқ” – таржима Г.Хожиева) ёки “interpréter une composition chorégraphique” (“саҳнада хореографик чиқиш қилмоқ” – таржима Г.Хожиева)га нисбатан кўп қўлланиладиган, “danser à la perfection” (“аъло даражада рақсга тушмоқ” – таржима Г.Хожиева) сўз бирикмаси “pirouettes de danseur” (“раққоснинг айланиб, чарх уриб ўйнаши” – таржима Г.Хожиева)га қараганда тилда фаол иштирок этишини қўриш мумкин.

Санъат бу — бу халқни улуғлайдиган, миллатлараро тотувликни таъминлайдиган маънавий кўприк бўлиб, у ўзида бевосита ҳар бир халқнинг ўзлиги, ўтмиш ва бугуннинг бой ананаларини акс эттирувчи ойнадир. Икки ноқардош тил – ўзбек ва француз тилларидаги “санъат” ҳамда “dance” терминлари чоғиштирма таҳлилидан ҳам англашилган ушбу хусусиятлар билан бирга, ҳар иккала тилга хос бўлган терминлар таркиби ва таржимаси сўз, жуфт сўз, сўз бирикмаси ёки сўз қўшилмасидан таркиб топганини қўриш мукин.

Шунингдек, мазкур тил бирликлари ўз навбатида санъатдаги миллий ўзига хослик, маданий ва лексик тараққиёт ҳамда муштарак ва дифференциал белгиларни очиб беришда мухим омиллардан эканлигини таъкидлаш ўринли.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Французча-ўзбекча луғат. Dictionnaire français-ouzbek. Ибрагимов X. Тошкент: Нихол, 2008.
2. Ўзбекистон номоддий маданий мероси. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Т., 2017.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. ИИ жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Тошкент, 2006.
4. Larousse Dictionnaire Maxipoche. Jaques Florent. Paris, 2011.
5. <https://www.larousse.fr/dictionnaires/francais/danse/21620>

|  |     |
|--|-----|
| 51. <i>Khudayberanova M.</i> The hallmarks of the’ “Lazgi” ensemble. ....  | 318 |
| 52. <i>Khojametova S.</i> The emergence of the art of crimea and its application in the field of art. ....                         | 322 |
| 53. <i>Yokubova D.</i> The activities of public and private ensembles in the development of choreographic art of the new era. .... | 328 |
| 54. <i>Turobova Z, Sodiqova Z.</i> O‘zbek milliy raqslarining o‘ziga xosligi va dolzarb muammolari. ....                           | 333 |
| 55. <i>Назарова М.</i> Импровизация – один из важных аспектов в постановочной работе современного танца. ....                      | 336 |
| 56. <i>Аманова Н.</i> Особенности обучения студентов с нарушениями зрения в музыкальных вузах. ....                                | 339 |
| 57. <i>Isayev K.</i> Folklor milliy liboslari va uning bugungi kundagi o‘rni. ....   | 344 |
| 58. <i>Арисланбаева А.</i> Настойчивость и творчество в балетном искусстве. ....   | 349 |

#### **IV. Madaniyat va san’at ta’limida shaxs ma’naviyati masalalari**

|  |     |
|--|-----|
| 59. <i>Жомонов Р.</i> Хореографик таълимда айрим янгича ёндашувлар. ....   | 355 |
| 60. <i>Хожиева Г.</i> “Рақс” терминининг ўзбек ва француз тилларидағи лингвокультурологик таҳлили. ....                    | 361 |
| 61. <i>Файзиева Ф.</i> Адабий асарларнинг телевизия мослашуви. ....  | 368 |
| 62. <i>Мухамедова Ў.</i> Ўзбек рақсининг тарихи ва ривожланишида ўзбек рақс санъати фидойиларининг ўрни. ....              | 373 |
| 63. <i>Xakimova F.</i> Shaxs ma’naviyatini shakllantirishda musiqanining o‘rni. ....                                       | 380 |
| 64. <i>Умаров Ш.</i> Ўзбек миллий чолғуларининг шаклланишида шарқ мусиқашунос олимларининг ўрни. ....                      | 385 |
| 65. <i>Сагатов К, Исянов Р.</i> Балеты Мариуса Петипа на сцене ГАБТ имени Алишера Навои. ....                              | 392 |
| 66. <i>Исмаилова С.</i> Ўзбек театр сахнасида карло гоцци ва комедия дель арте тамойиллари. ....                           | 397 |
| 67. <i>Исмаилов К.</i> Тасвирга олишда пикториал усул аҳамияти. ....   | 406 |
| 68. <i>Ҳамроева X, Исматова С.</i> Рақс санъати орқали ўсмирларда ижодий фикрлаш ва мулоқот қобилиятини шакллантириш. .... | 411 |